

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2022-2023 ЙИЛЛАРДА  
ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРНИ  
КЎРИБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ**

***Шодмонов Элдор Эгамбердиевич***

*Вазирлар Маҳкамаси Назорат ва ижро интизоми бўлими бош мутахассиси  
Мустақил тадқиқотчи*

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлган давлат органларига, ташкилотларга ва муассасаларига мурожаатининг бир қатор шаклларини натижалари таҳлил қилиниб, фуқароларнинг муаммолари бўйича тегишли хуносалар чиқарилган.

**Калит сўзлар:** фуқароларнинг мурожаатлари, оғзаки мурожаат, электрон мурожаат, жамоавий мурожаат, сайёр қабул, шикоятлар, таклифлар, ҳуқуқий тушунтиришлар, ҳуқуқий маслаҳатлар.

**Аннотация:** в статье анализируется одно из политических прав граждан Узбекистана, заключающееся в обращении их в государственные органы, организации и учреждения в виде обобщения ряда форм такого рода обращений и резюмируется о проблемах граждан, возникающих в этом процессе.

**Ключевые слова:** обращения граждан, устное обращение, электронное обращение, коллективное обращение, мобильный прием, жалобы, предложения, юридические разъяснения, юридические консультации.

**Annotation:** the article analyzes one of the political rights of citizens of Uzbekistan, which consists in their appeal to state bodies, organizations and institutions in the form of a generalization of a number of forms of such appeals and summarizes the problems of citizens arising in this process.

**Keywords:** citizens' appeals, oral appeal, electronic appeal, collective appeal, mobile reception, complaints, proposals, legal explanations, legal consultations.

Инсон ҳуқуқлари орасида фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, у нафақат фуқароларнинг шахсий манфаатлари билан боғлиқ ҳуқуқ, бу ҳуқуқ орқали фуқаролар давлат ва жамият ишларида иштирок этади. Кейинги пайтда бу ҳуқуқ қонун устиворлигини таъминлаш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

Таҳлилнинг кўрсатишича, 2022 йил давомида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига жаъми 1593 мингта мурожаатлар, жумладан, 902 мингта (57%) – бевосита, 691 мингта (43%) – Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 10,7 фоизга камайган.

Раҳбарлар томонидан 305,6 минг нафар жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари шахсий ва сайёр қабул қилинган.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида мурожаатларни кўриб чиқишида ҳато ва камчиликларга йўл қўйган 2089 нафар ишчи ходимларга нисбатан чоралар қўрилган, жумладан, 2060 нафар – интизомий жазога (“жарима” – 365 та, “хайфсан”-1490 та, “лавозимидан озод этиш” – 205 та) 28 нафар ходим маъмурий жавобгарликка ва бир нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилган<sup>1</sup>.

2022 йилда Вазирлар Маҳкамасининг жисмоний ва юридик шахслардан жаъми 14,8 мингта мурожаатлар тушган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 13,7%га камайган.

Вазирлар Маҳкамасининг раҳбарияти ва маъсул ходимлари томонидан 7,4 минг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинган. Шунингдек, 79 ҳолатда Вазирлар Маҳкамасига фуқаролар гурух бўлиб мурожаат қилган.

Мурожаатларда энг кўп уй-жой олиш (16,8%), таълим (85%), кредит (6,6%), тадбиркорларни ривожлантириш (6,3%), давлат органлари фаолияти (6,6%), моддий ёрдам (5,8%), ҳокимиятлар фаолияти (5,3%), иш билан таъминлаш (5,1%), фермер хўжаликлари (4,8%), соғлиқни сақлаш (4,3%), қурилиш ва таъмирлаш ишлари (3,4%), электр энергияси ва газ таъминоти (3,3%) масалалари кўрилган.

Вазирлар Маҳкамасига келиб тушган мурожаатлардан 59,4 % назоратга олинган бўлиб, шундан 34,2 фоизига чоралар қўрилган. 52,8 фоизига тегишли тушунтиришлар берилган, 3,5 фоизи қонун талабларига кўра рад этилган ва 9,5 фоизи кўриб чиқилган<sup>2</sup>.

Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказига 2022 йилда жаъми 1301 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 6,5 % кам.

Келиб тушган мурожаатларнинг 35 таси аноним мурожаатлар ҳисобланганлиги боис Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни 3,6 ва 29-моддаларига биноан кўришдан қолдирилди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Тажибаев М. Жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш тартиби. – Т.: Nashriyot uyi tasvir, 2024.-141 б.

<sup>2</sup> Тажибаев М. Жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш тартиби. – Т.: Nashriyot uyi tasvir, 2024.-142 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни 3,6 ва 29-моддалари. Lex.uz/docs/3336269

2022 йил давомида Марказ қабулхонасида жаъми 500 нафардан ортиқ фуқаролар қабул қилинган бўлиб, шундан 307 нафар фуқаролардан ёзма мурожаатлар иш юритувга олинган. 140 нафардан ортиқ фуқароларга ҳуқуқий тушунтиришлар ва маслаҳатлар берилган.

1266 та мурожаатлар тааллуқлилиги бўйича тегишли идораларга кўриб чиқиш учун юборилган, шундан 142 та мурожаат бўйича тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Мурожаатларнинг 307 таси (24,2%) фуқаролардан тўғридан-тўғри қабул жараёнида, 959 таси (75,8%) алоқа воситалари (асосан поча алоқа тармоғи орқали), 32 та мурожаат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали, 65 та мурожаат Марказнинг ўзига келиб тушган.

Мурожаат муаллифларининг жинси бўйича таҳлил қилинганида 592 таси (46,8%) аёллар, 568 таси (44,9%) эркаклар ҳамда 106 таси (8,4%) жамоавий келиб тушган мурожаатларни ташкил қиласди.

Кўриб чиқилган мурожаатларнинг 1022 таси (80,7%) ариза, 241 таси (19%) шикоят ва 3 таси (0,3%) таклифлардан иборат.

Энг кўп мурожаатлар Тошкент шаҳридан 356 (27,4%), Қашқадарёдан 189 (14,5%), Тошкент вилоятидан 181 (13,9%), Сурхондарёдан 94 (7,2%) ва Самарқанд 89 (6,8%) вилоятларидан келиб тушган.

Мурожаатларнинг 641 (50,6%) таси шахсий, 492 (38,9%) таси ижтимоий-иктисодий, 105 таси (8,3%) сиёсий ва 28 таси (2,2%) маданий ҳуқуқларга оид мурожаатларни ташкил этган.

Марказ томонидан кўриб чиқилган мурожаатларнинг 302 таси фуқароларнинг одил судловга оид ҳуқуқларга тааллуқли мурожаатларни, 190 таси суриштирув ва дастлабки тергов органларининг мансабдор шахслари ҳатти-ҳаркатларидан, шунингдек қарорларидан норозилик, 170 таси маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари қарорларидан, 248 таси бошқа давлат органлари, муассасалари ва ташкилотларининг қарорлари ҳамда мансабдор шахсларининг ҳатти-харакатларидан норозилик, 66 та шахсий мулк ҳуқуқларига доир ва 47 таси суд қарорлари ижроси билан боғлиқ мурожаатларни ташкил қиласди<sup>4</sup>.

Мурожаатларнинг аксарияти одил судловни амалга ошириш, суд қарорларидан, дастлабки тергов органлари ҳамда уларни олиб борган масъул шахсларнинг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорларидан норозилик, ер ажратиш, шахсий мулк ва уй-жойга бўлган ҳуқуқларга доир мурожаатларни ташкил қиласди.

<sup>4</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Маркази 2022 йилда. –Тошкент, 2023.-36 бет.

Маълумки, Ўзбекистонда одил судловни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси<sup>5</sup>, “Судлар тўғрисида”ти Қонун<sup>6</sup>, “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ти кодекс<sup>7</sup>, Иқтисодий процессуал<sup>8</sup>, Жиноят-процессуал<sup>9</sup> кодекслари талабларига биноан фақат судлар томонидан амалга оширилади, уларнинг фаолиятига аралашиб таъкиқланади. Шунингдек, дастлабки тергов ва суриштирув органларининг фаолияти юқори турувчи орган ҳамда прокурорлар томонидан назорат қилиниши “Прокуратура тўғрисида”ти қонунда мустаҳкамлаб қўйилган<sup>10</sup>.

Миллий Марказ томонидан турли давлат идоралари ҳамда ҳукуқни муҳофаза қилиш органларига 2022 йил давомида киритилган 350 дан ортиқ тавсияларни кўриб чиқилиши натижасида 29 та мурожаат юзасидан фуқароларнинг ҳукуқлари тикланган, 69 та ҳолатда фуқароларга ҳукуқлари тикланишида ва қонуний манфаатларини амалга оширишда амалий кўмак берилган, 142 та ҳолатда фуқароларга қонун ҳужжатлари талаблари бўйича тегишли ҳукукий тушунтириш ва маслаҳатлар берилган.

Бундан ташқари, Марказ томонидан 2022 йил давомида телефон қўнғироқлари орқали мурожаат қилган 2500 нафардан ортиқ фуқароларга ҳукукий маслаҳатлар берилган<sup>11</sup>.

2022 йилда вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари жаъми 263,8 мингта мурожаатлар тушган бўлиб, 2021 йилга нисбатан 4,6 фоизга кўпайган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхонаси орқали вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари жаъми 368,8 мингта мурожаатлар келиб тушган ва кўриб чиқилиши таъминланган.

Жаъми 64 минг нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинган, жумладан 26,6 минг нафари (42%) раҳбарларнинг шахсий ва сайёр қабулларига тўғри келган.

Энг кўп мурожаатлар Давлат солиқ Кўмитаси (69 мингта), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги (10 мингтадан-14 мингтагача) Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат Экология Кўмитаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси,

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Lex.uz/docs/6445147

<sup>6</sup> “Судлар тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Lex.uz/docs/5534923?ONDATE

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ти кодекси. Lex.uz/acts/3527353

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. Lex.uz/acts/3523891; het.uz/oz/lists/view/293.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Lex.uz/acts/111460.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ти Қонуни. Lex.uz/acts/106197.

<sup>11</sup> Инсон ҳукуклари бўйича Миллий Маркази 2022 йилда. –Тошкент, 2023.-37 бет.

“Худудгаз-таъминоти” АЖ, Пенсия жамғармасига (5 мингтадан 7 мингтагача) келиб тушган.

Айрим вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари томонидан худудларда фуқароларни шахсий ва сайёр қабул қилиш талаб даражасида ташкил этилмаган, уларнинг натижадорлиги таъминланмаган. Жумладан, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Ўзархив агентлиги, “Ўзавтосаноат” АЖ раҳбарлари томонидан атига 2 нафардан 8 нафаргача фуқаролар шахсий қабул қилинган.

Маданият вазирлиги, Геология вазирлиги, “Ўзбекистон Темир йўллари” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзсаноатқурилишбанк, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раҳбарлари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда ўртacha 1-5 нафардан фуқаро қабул қилинган ҳолос<sup>12</sup>.

Мурожаатларни кўриб чиқишида 1305 та ҳолатда қонунда белгиланган муддатларнинг бузилишига йўл қўйилган ва уларнинг асосий қисми Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (673 та), Маданият (120 та), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш (85 та), Қурилиш (79 та), Соғлиқни сақлаш (78 та), Молия (57 та) вазирликлари ва Агробанкга (37 та) тегишлидир.

2022 йилда маҳаллий ижро ҳокимияти органларига жаъми 945,2 мингта мурожаатлар тушган ва ўтган йилга нисбатан 17,8%га камайган<sup>13</sup>.

2023 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказига жаъми 1430 та мурожаат келиб тушган бўлиб, бу кўрсаткич 2022 йилда келиб тушган мурожаатларга қараганда 9,9 % кўпdir.

Келиб тушган мурожаатларининг 32 таси аноним мурожаатлар ҳисобланганлиги сабабли қонунчиликка биноан кўрмасдан қолдирилган.

2023 йил давомида Марказ қабулхоналарида жаъми 500 нафардан ортиқ фуқаролар қабул қилинган бўлиб, шундан 393 нафар фуқароларнинг ёзма мурожаатлари иш юритувга қабул қилинган. 100 нафардан ортиқ фуқароларга ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар берилган.

Кўриб чиқилган мурожаатларнинг 393 таси (28,1%) фуқаролардан тўғридан-тўғри қабул жараёнида, 1005 таси (71,9%) алоқа воситалари (асосан почта алоқа тармоғи орқали), 39 та мурожаат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, 133 та мурожаат Марказнинг электрон почта манзили орқали келиб тушган мурожаатлардан иборат.

Мурожаатлар таҳлил қилинганида, 1398 та мурожаатдан 1325 таси индивидуал ва 73 таси жамоавий келиб тушган мурожаатларни ташкил қилган<sup>14</sup>.

<sup>12</sup> Тажибаев М. Жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш тартиби.–Т.: Nashriyot uyi tasvir, 2024.-142-143 б.

<sup>13</sup> Тажибаев М. Жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш тартиби. – Т.: Nashriyot uyi tasvir, 2024.-144 б.

<sup>14</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази 2023 йилда. –Тошкент, 2024.-59 бет.

Марказ томонидан кўриб чиқилган мурожаатларнинг 294 таси фуқароларнинг одил судловга оид хукуқларига тааллуқли мурожаатларни, 156 таси суриштирув ва дастлабки тергов органларининг мансабдор шахслари хатти-харакатларидан, уларнинг қарорларидан норозилик, 194 таси маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари қарорларидан, 251 таси бошқа давлат идоралари, муассасалари ва ташкилотларининг қарорлари ҳамда мансабдор шахсларнинг хатти-харакатлари билан боғлиқ, 164 таси муносиб турмуш кечиришга, 70 таси давлат органларига мурожаат қилиш, 165 таси шахсий мулк хукуқлари ва 82 таси суд қарорлари ижроси билан боғлиқ мурожаатларни ташкил қилади.

Таҳлил натижаларига кўра, 2023 йилда келиб тушган мурожаатларнинг аксарияти одил судловни амалга ошириш, суд қарорларидан, дастлабки тергов ҳаракатлари ҳамда уларни олиб борган масъул шахсларнинг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорларидан норозилик, ер ажратиш, шахсий мулкка ва уй-жойга бўлган хукуқларга доир мурожаатлар кўп тушаётганлиги маълум бўлди.

Сайёр ва оммавий қабулларда сектор раҳбарлари, тегишли ҳудудий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этиши фуқароларнинг мурожаатларини, маҳаллаларга бириктирилган ишчи гурухларнинг уйма-уй юриб аниқлаган муаммоларини, ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни тезроқ аниқлаш ва ҳал этиш имкониятини бермоқда. Шунингдек, уларнинг мунтазам йўлга қўйилгани аввалги учрашувларда белгиланган ишлар ижроси устидан назоратни кучайтиromoқда.

Таҳлиллар натижаси, йил мобайнида бевосита Халқ қабулхоналари иштирокида секторлар ишчи гурухлари ҳамда Республика ишчи гурухлари томонидан туманлардаги оғир ҳудудларда аҳолининг муаммоларини уйма-уй юриш орқали аниқлаб жойларда ҳал қилинганликлари, шунингдек, мунтазам равишда оммавий сайёр қабуллар ташкил этилганлиги сабабли мурожаатлар сони сезиларли даражада камайганлигини кўрсатди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Lex.uz/docs/64451471.
2. Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни 3,6 ва 29-моддалари. Lex.uz/docs/3336269
3. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Lex.uz/docs/5534923?ONDATE
4. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги кодекси. Lex.uz/acts/3527353
5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. Lex.uz/acts/3523891; het.uz/oz/lists/view/293.

6. Ўзбекистон Респубилкаси Жиноят-процессуал кодекси.  
Lex.uz/acts/111460.
7. Ўзбекистон Респубилкасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни.  
Lex.uz/acts/106197.
8. Инсон хуқуqlари бўйича Миллий Маркази 2022 йилда. –Тошкент, 2023.- 155 бет.
9. Инсон хуқуqlари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази 2023 йилда. –Тошкент, 2024.-208 бет.
10. Тажибаев М. Жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш тартиби. – Т.: Nashriyot uyi tasvir, 2024.- 240 бет.